

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Muhammadali Yoqubov

National University of Uzbekistan

www.doi.org/10.5281/zenodo.10454269

Мақола аннотацияси (Abstract) Жаҳоннинг кўплаб ривожланаётган давлатларидаги ҳокимият органлари муаммолар деярли бир ҳил. Хусусан, натижадорликнинг пастлиги, фирибгарлик, коррупция, ички назоратнинг сустлиги уларнинг самарали фаолиятига ғов бўлмоқда. Глобал миқёсда давлат сектори бюджет маблағларидан фойдаланиш ва уларни оқлаш шунингдек, тақдим этилаётган давлат хизматларининг самарадорлиги ва шаффофлигини кузатиш жамият вакилларнинг ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Самарали фаолиятни тامينлашда давлат ҳокимияти органлари ҳисобдорликни тامينлаши жуда муҳимдир. Шу асосда, давлат ҳокимияти органларида электрон ҳукуматнинг тизимли йўлга қўйилиши уларнинг фаолиятига ижобий таъсир этади.

-Таянч сўзлар (Key words) ҳисобдорлик, очиқлик, шаффофлик, давлат хизмати, самарадорлик, давлат органлари, электрон ҳукумат.

-Кириш (Introduction) Ижро органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий услубларидан бири бу – электрон ҳукумат тизимининг мукамал йўлга қўйилиши ҳисобланади. Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”¹ деган ғоя илгари сурила бошланди. Мақсад фуқаролар муаммоларини ўз вақтида ечиш ва уларга қулайлик яратишдан иборат. Бунинг учун, аввало давлат ҳокимияти органларига у ёки бу юмуш билан мурожаат қилган аҳолининг вақти ва маблағини тежаш, айниқса, сарсон - саргардонликка барҳам бериш, қолаверса, коррупцияни бартараф этиш мақсадларида давлат ҳокимияти органларининг яхлит, замонавий, ишончли тизимини яратишга киришилмоқда. Мазкур фаолият бугунги Янги Ўзбекистон учун долзарб бўлиб унинг амалий жиҳатларини ўрганиш ва илмий аҳамиятини тушуниш барча давлат органи вакиллари учун муҳимдир.

Электрон ҳукумат тушунчаси 1990 йилларнинг бошида пайдо бўлган,² лекин жаҳоннинг кўплаб минтақаларида турли даврларда тадбиқ қилина бошланди. Ва турлича таърифлар келтирили. Масалан, БМТ – “Интернет орқали давлат органлари томонидан хизматларни кўрсатиш”; Жаҳон банки – “АКТ ёрдамида фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзаро мунлсabatни яхшилаш”; Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти – “Интернет технологиялар томонидан таклиф этилган тармоқ салоҳияти тузилмалари ва ҳукуматнинг ишлаш жараёнининг трансформацияси”; Жанубий Корея – “Давлат ва ҳукумат органларини бошқариш вазифаларининг самарали бажарилиши”; АҚШ – “Халқ ҳукумат тизимини яратиш, ахборот ва хизматлардан фойдаланишни таъминлаш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва давлат хизматларидан унумли фойдаланиш учун ахбоорт технологияларини қўллаш”; Ўзбекистон – “Давлат органларининг жисмоний ва юридик

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида <https://www.lex.uz/acts/3561681>

² Elektron hukumat — https://uz.wikipedia.org/wiki/Elektron_hukumat

шахсларга АКТни қўллаш йўли билан давлат хизматларини кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идораларо электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора тадбирлар ва техник воситалар тизими”³ деб таърифлаганлар. Электрон ҳукуматни ишлаб чиқишда биринчилардан бўлиб АҚШ, Англия, Италия, Норвегия, Сингапур, Франция ва Германия давлатлари шуғулландилар. БМТ томонидан 2003 йилдан бошлаб дунё давлатларида Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш индекси (E-Government Development Index - EGDI) юритилиб⁴, бу индексни аниқлаш мезонлари электрон хизматлар (Online Service Index - OSI), АКТ инфратузилмаси (Telecommunication Infrastructure Index - TII) ва инсон омилидан (Human Capital Index - HCI) иборат. Кейинги йилларда ушбу индекс рейтингда Буюк Британия, Жанубий Корея, Дания, Норвегия, АҚШ, Канада, Швеция, Австралия, Сингапур ва Нидерландия каби давлатлар етакчилик қилмоқдалар. Бу электрон ҳукумат ривожланишининг аниқлаш тадқиқотларнинг кўрсаткичларига электрон иштирок (E-Participation Index - EPI⁵) даражаси таъсир кўрсатади. Бу электрон таъсир даражасини ўрганишда “электрон ахборот”, “электрон маслаҳат” ва “электрон қарорлар қабул қилиш” омиллари инобатга олинади.

Охириги йилларда республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида ахборот – коммуникация технологиялари янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш сари кўплаб чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Аслида, бу жараёнларнинг бошланганига йигирма йил бўлди. Даставвал, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2003-2004 йилларда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида” ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари шунингдек, юқорида қабул қилинган ҳужжатлар асосида 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилган эди. Давлат дастурларининг изчил ва тизимли олиб борилмаганлиги моддий техник ресурсларнинг етарлича таъминланмаганлиги ҳамда бу жараённинг услужиз ривожлантириб борилиши ўз вақтида англланмаганлиги натижасида принципиал масалалар ўз ечимини топмади.

Ҳозирги кунда давлат хизмати кўрсатувчи 80 та идорадан атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлиги билан ўзаро интеграция қилган⁶. 53 идорада маълумотлар рақамлаштирилмаган. Масалан, соғлиқни сақлаш, экология, қурилиш, архив билан боғлиқ давлат хизматлари соҳасида ҳалигача электрон маълумот базаси шаклланмаган. Шундай маълумот алмашинуви йўқлиги сабабли 2019 йил давомида табиий газ, иссиқ сув, ичимлик суви ва қурилиш соҳасида хизмат кўрсатиш муддатлари бузилган.

³ Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Электрон ҳукумат тўғрисида <https://lex.uz/docs/2833860>

⁴ <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/about/overview/-E-Government>

⁵ <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/about/overview/e-participation>

⁶ Барча хизматлар учун ягона бўлган электрон рақамли имзо ишлаб чиқиладиган - <http://uza.uz/uz/politics/barcha-khizmatlar-uchun-yagona-b-igan-elektron-ra-amli-imzo--09-01-2020>

Сўнги йилларда рақамли иқтисодиёт ва Электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш соҳасидаги ислохотларнинг изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилишини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароит яратиш мақсадида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси⁷, 2017, 2018, 2019 йиллардаги давлат дастурлари ҳамда 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон⁸, 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5598-сон⁹, 2019 йил 18 майдаги ПҚ-4321-сон¹⁰, 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сонли¹¹ фармон ва қарорлари асосида Электрон ҳукумат тизимини юксак даражада жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароит яратиш мақсад қилинмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили (Literature review)

Электрон ҳукуматни доимий такомиллаштириш, истемолчиларнинг ахборот ва хизматга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш, сифатини ошириш, маълумотлар базасини интеграциялаш, маълумотларнинг оқимини бошқариш, давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолиятини таъмилаш борасида кўплаб олимлар илмий – амалий тадқиқотлар олиб боришган.

Жумладан, В. Wirtz, Т. Кваснисова, З. В. Архипова, Г. В. Бестолкова, Г. О. Барбаков, Н. В. Берёза, С. В. Пономарев, А. К. Скопинцев, А. В. Садилова ишларида электрон ҳукумат тизими, унга таъсир қилувчи омиллар, хизматларни синфлаштириш, тизим тадбиқи ва таҳлилари, Benoit Couderc, Jeremy Ferrero, Prabhdeep Kaur, Ф. А. Попов, Т. Б. Казиахмедов каби олимлар хизматларни интеллектуаллаштириш ва электрон ҳужжатларни аломатлари бўйича танлаб олиш соҳасида илмий фаолият олиб боришган. С. М. Корунов, А. М. Горьково, Б. С. Изотов, В. К. Егоров, Т. Н. Нишанбоев, А. А. Муксинов, Д. Ф. Қорабоев, У. В. Содиков, давлат бошқарувида ахборот коммуникация технологиялари, давлат органлари фаолиятида ахборот тизимларининг уйғунлашуви йўналишида илмий – тадқиқотларга ўз ҳиссаларини қўшишган. Лекин, электрон ҳукумат муҳитида давлат ҳокимияти органлари самарадорлигини ошириш имконини берувчи муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Илмий тадқиқотни амалга оширишда хронологик кузатиш, ижтимоий-сиёсий таҳлил, умумлаштириш, системалилик (тизимлилик) ва давлат ҳокимияти органларининг структуравий-функционал (тузилмавий-мақсадли) тадқиқ этиш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

⁸ Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида - <https://lex.uz/docs/4071219>

⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида - <https://lex.uz/docs/4103415>

¹⁰ Рақамли иқтисодиёт ва «электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида - <https://lex.uz/docs/4344411>

¹¹ “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида - <https://lex.uz/docs/4346966>

Электрон ҳукумат тизими давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Электрон ҳукуматни доимий такомиллаштириш, истемолчиларнинг ахборот ва хизматга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш, сифатни ошириш, маълумотлар базасини интеграциялаш ва маълумотлар оқимини бошқариш тизими равишда амалга оширилиши лозим.

Кўплаб адабиёт ва интернет манбаларида электрон ҳукуматни уч асосий ривожланиш тизимига ажратилади;

G2G (government to government) – ҳукумат – ҳукуматга.

Интернет – корпоратив давлат ахборот тармоғи (ягона давлат интернет портали) асосида электрон ҳужжатлар айланиши ягона тизимга асосланган давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги алоқаларга йўналтирилган. Қуйидаги давлат идоралари модулнинг иштирокчилари ҳисобланади:

- Олий Мажлис, Президент Администрацияси, Вазирла Маҳкамаси;
- Вазирликлар, қўмиталар, идоралар ва давлат ташкилотлари;
- Худудий бошқарув органлари (ҳокимликлар);
- Маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари;

G2B (government to business) – ҳукумат – бизнесга.

Модул иқтисодиётни эркинлаштириш, давлат порталида “тижорат майдончалар”ни яратиш, электрон тижоратни ташки этиш масалаларига йўналтирилган. Унинг иштирокчилари қуйидагилар:

- Товар ишлаб чиқарувчилар;
- Хизмат кўрсатувчи корхоналар;
- Фермерлар;
- Тижорат банклари;

G2C (government to client) – ҳукумат – аҳолига.

Модул аҳолига электрон шаклдаги давлат хизматларини амалга ошириш, давлат электрон хизматлари реестрини яратиш, аҳолининг фаоллигини ошириш, уларнинг давлат органлари фаолиятида иштирокини таъминлаш масалаларига йўналтирилган. Унинг иштирок этувчиларини ҳукумат органлари, фуқаролар, аҳолининг турли қатламлари (аёллар, ёшлар, тадбиркорлар, солиқ тўловчилар, ўқитувчилар, талабалар, ишсизлар ва ҳ.к.) ва сайловчилар ташкил этади.

Электрон ҳукумат тизими барча соҳаларнинг самарали фаолиятига катта таъсир кўрсатади ҳамда кўплаб қулайликлар яратади.

G2G модулининг асосий масалалари:

- Давлат ҳокимияти органлари ва давлат муассасаларининг ахборот массивлари, банклари ва маълумотлар базасининг интеграциялашган ягона ахборот маконини яратиш;
- Ҳукумат органлари ўртасидаги ҳужжатлар алмашинувини тезлаштириш
- Давлат қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш, қарор қабул қилиш ва ижросини таъминлаш, назорат қилиш жараёнларини оптималлаштириш;
- Коррупцияни йўқотиш;

Ушбу масалалар ечилиши оқибатида:

- Ҳукумат ресурсларидан фойдаланиш тезлиги ошади: тегишли порталлар орқали у ёки бу давлат муассасасига кириш бир зумда амалга оширилади ва навбатда туришлар талаб қилинмайди;
- Шахсан ҳозир бўлиш ва идорама-идора юришнинг хожати бўлмайди: давлат органларига ҳужжатлар бериш ва тегишли давлат хизматларидан фойдаланиш фуқаролар ва бизнес субъектларига интернет ресурсларига кириш мумкин бўлган ҳар қандай жойдан (шу жумладан мамлакат ташқарисида бўлган ҳолда ҳам) таъминланади;
- Бир хил типдаги маълумотлар, гувоҳномалар ва бошқа расмий ҳужжатларни давлат ҳокимияти органларига кўп марталаб тақдим этиш ва зарурияти йўқолади; керакли ахборот давлат ҳокимияти органларининг корпоратив тармоғига бир марта киритилади ва ундан кўп марта фойдаланилиши мумкин бўлади;
- Давлат ҳокимияти органлари корпоратив тармоғининг исталган бўғинига киритилган ахборот электрон почта воситалари орқали барча манфаатдор давлат органларига узатилади ва уларнинг жавоблари биринчи марта мурожаат қилинган нуқтада жамланади.

G2B ва G2C модулларининг асосий масалалари:

- Бюрократиянинг олдини олиш;
- Давлат ҳокимияти органлари фаолиятида аҳолига хизмат кўрсатиш йўналишларини кучайтириш ва баъзи янги йўналишларни жорий этиш;
- солиқ декларацияларини тақдим этиш ва шахсий тўловларни: даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳоказоларни амалга ошириш;
- фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш;
- шахсий ҳужжатларни – паспорт, ҳайдовчилик ҳуқуқи ва ҳоказоларни расмийлаштириш;
- фуқароларни вақтинча ёки доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш;
- шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юридик маслаҳатлар бериш хизматларини бажариш;
- иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини электрон тест синовидан ўтказиш бўйича меҳнат биржаларининг хизматини амалга ошириш;
- соғлиқни сақлаш тизими хизматлари – интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва ҳ.к
- масофадан туриб ўқитиш усули билан давлат таълим муассасаларида малака ошириш;
- ҳар хил бадалларни, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш;

G2B модулининг асосий вазифалари :

- Мамлакатда ўрта ва кичик бизнесни фаоллаштириш;
- Давлат менежментини оптималлаштириш, бизнес жараёнлари харажатларини камайтириш;
- Бизнес тузилмаларини қоғозбозлик ва маъмурий тўсиқлардан бартараф этиш;
- Давлат ҳокимияти органлари ортиқча бўғинларини қисқартириш ва ҳужжатлар алмашувининг рақамли технологиялари кенг жорий этиш йўли билан бизнес жараёнларини тезлаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш;

- Конунлар ва бозор талабларидан келиб чиқиб ресурсларни белгиланган мақсадда йўналтириш ва эркин бошқариш;

- Юридик маслаҳатлар, қонун ҳужжатлари ва уларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ олиш;

Шундай қилиб Электрон ҳукумат тизимининг давлат ҳокимияти органларида кенг жорий қилиниши оқибатида:

- Фуқароларнинг маълумотнома, гувоҳнома ва ҳоказо ҳужжатлар олиш учун шахсан ўзлари давлат муассасаларига келишлари зарурияти қисқаради, истиқболда - бундан бутунлай ҳалос қилади, сўровларга хизмат кўрсатиш тезлигининг ошиши ва кутиш вақтининг камайиши ҳисобига фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиши енгиллашади;

- Давлат харидлари ва буюртмалари бўйича тендерларни ташкил этиш, давлат инвестиция ва инновация лойиҳалари ижтимоий дастурларни амалга ошириш соҳасида давлат ва бизнес корхоналарининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги самарали амалга оширилади;

- Аҳоли ва бизнес субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган муҳит яратилади. Электрон ҳукуматнинг G2B ва G2C шакллариининг жорий этилиши фуқаролик-ҳуқуқий ва ҳўжалик ҳуқуқий муносабатлар инфратузилмасини ташкил этувчи B2B (бизнес-бизнесга) B2C (бизнес-аҳолига) муносабатлари билан табиий равишда тўлдирилади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, қуйидаги хулосага келиш қийин эмас: Электрон ҳукумат тушунчаси кенг маънода қуйидаги тўрт компонентни ўз ичига олади:

- давлат ҳокимияти органлари ўзига юклатилган масалаларни электрон сервиснинг ҳамма кўринишлари (интернет, уяли алоқа, рақамли телевидение хизматларни бажариш маркази ва ҳ.к.) асосида аҳоли, фирма, жамоат ташкилотлари, давлат муассасалари ва чет эликлар билан ўзаро муносабатларни таъминлайдиган функционал давлат инфокоммуникация тизими;

- ҳукуматнинг ташқи ишлари бўйича ахборот тизими ёки ҳукумат тармоқ портали;

- электрон ҳужжатлар юритиш тизимини ўз ичига олган ҳукуматнинг ички ишлари бўйича ахборот тизими (муҳосиблик, ходимлар ҳисоб китоби ва б.);

- комплекс ахборот ҳавфсизлигини таъминлайдиган ахборот тизими.

Энди Электрон ҳукумат тизими жамоатчиликка ва оддий инсонларга, давлат ҳокимияти органлари ҳамда бизнес жараёнларига нима беради деган саволга жавоб берамиз:

а) фуқаролар давлат ҳокимияти органлари қарорларини қабул қилишга ўз таъсирини ўтказиш жараёни анча енгиллашади, оддий фуқароларнинг фикрлари “юқорида” эшитилади ва улар бўлаётган ўрганишларда ўзларининг ҳам иштироклари борлигини сезадилар. Давлат лойиҳалари фақат ҳукумат томонидан эмас, балки фуқаролар томонидан ҳам аниқланган йўналишларга асосланади;

б) давлат ҳокимияти органлари томонидан фуқароларга кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ошади;

с) турли даражадаги давлат муассасалари фаолиятининг самарали ташкил этилиши натижасида инсонлар бир нуқтада бир давлат хизматларининг комплекси билан таъминланишига имкон яратилади;

д) аҳолининг ҳукумат доирасидаги маълумотлардан ҳабардорлик даражаси ошади, уларда давлат қонунлари, тартиблари, сиёсат ва бошқа хизматлар бўйича кенг қамровли ва энг янги ахборотлар билан танишиб бориш имконияти пайдо бўлади. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари осонлашиши оқибатида уларнинг ҳаёти енгиллашади.

Фуқароларнинг давлат ахборотлари билан мунтазам танишиб бориши уларга, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга имкон яратади. Аҳолининг ҳамма қатламларига демократик жараёнларда фаол иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратилади. Бу механизм ривожланган давлатларда юксак даражада йўлга қўйилган. Европа, Америка ва Осиёнинг тараққиётга эришган давлатларида Электрон ҳукумат тизими икки ҳил тушунча билан фарқланади. Уларда бошқарувнинг электронлаштирилиши “электрон маъмурият” ва “электрон демократия” тушунчалари орқали тавсифланади.

Электрон маъмурият - ахборот ва коммуникация технологиялари асосида ҳукумат томонидан фуқароларга ҳар хил ижтимоий хизматлар кўрсатилиши.

Электрон демократия – сиёсий ахборотлардан фойдаланиш мумкинлиги, уларнинг очиқ-ошкоралиги, интернет ёрдамида давлат ва жамоатчилик институтларининг иштирокида фуқаролар ва ташкилотларнинг ўз жамоатчилик фикрларини шакллантириш жараёнларини демократик тарзда ташкил этилиши. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятида электрон ҳукумат тизими жорий этилишининг дастлабки кунлариданоқ, электрон демократия электрон маъмурият билан биргаликда қаралиши керак, деб ҳисобланади. Агарда, биринчи навбатда, фуқароларга электрон хизматлар кўрсатилишига эътибор берилса, кейинчалик демократик иштирок этиш воситаларининг жорий этилиши анча қийин кечиши мумкин.

Ҳар бир давлатда электрон ҳукумат тизимини жорий этиш унинг ички ва ташқи фаолиятидаги хусусиятларидан келиб чиқиб, босқичма-босқич амалга оширилади. Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида давлат органлари фаолиятини самарали ахборотлаштириш масалалари, асосан, беш босқичда амалга оширилади, деган хулосага келиш мумкин:

- давлат органлари фаолиятини онлайн режимида (яъни, қоғозсиз иш юритиш технологияси асосида) амалга оширилишини таъминлаш;
- расмий ҳукумат муассасаларининг Интернет тармоғида намоён бўлиши таъминлаш, ҳукумат сайтларининг сонини кўпайтириш ва айниқса уларда шакллантирилаётган ахборотларнинг динамик режимда фойдаланилишига эришиш;
- интерактив ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, яъни фойдаланувчиларга ҳар хил расмий ҳужжатлар шаклини ёзиб олиш, расмий электрон почтани олиш ва веб сайт асосида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш имкониятларини яратиш;
- фойдаланувчиларнинг онлайн режимда турли хил транзакциялар (соҳа бўйича аниқ ахборотлар (маблағлар шу жумладан) билан алмашиш) ўтказишни реал амалга ошириш;
- маъмурий чегаралар доирасида электрон хизматларнинг аниқ ва тўлиқ интеграциясини таъминлаш, яъни кенг миқёсда ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш.

Дунё давлатларида ҳокимият органларининг ваколатлари турлича бўлганлигидан улардаги электрон хизматларни таснифлаш бир-биридан фарқ қилади. Одатда, ахборот тизимларида хизматлар мижозларга йўналтирилган бўлиб, улар алоқа воситалари,

мавжуд технология ва дастурий таъминотлар асосида амалга оширилади. Давлатлар томонидан кўрсатилган электрон хизматлар сони ҳар хил бўлади. Масалан, Францияда 900 та хизмат бўлиб, 2008 йилда шундан 66 фоизи кўрсатилган. Испанияда 1225 хизмат мавжуд бўлиб, шундан 729 таси миллий давлат структураси томонидан, 340 таси ҳудудлардан ва 159 таси муниципалитетлар томонидан амалга оширилган.

Буюк Британияда 2018 йил ярмида 25 та вазирлик ва 385 та турли ташкилотлар томонидан 16 мингдан ортиқ хизматлар ва маълумотномалар жорий этилган (gov.uk). Бунда фуқаролар учун давлат хизматлари порталлар орқали фуқаролар, бизнес ва соғлиқни сақлаш йўналишлари бўйича амалга оширилади¹². Малта давлатида 2017 йилда 175 турдаги хизматларга 2.2 млн. та мурожаат қабул қилинган. Бунда 440 та хизмат кўрсатувчи марказлар, 700 та ЭХТга интерактив кириш нуқталар, 2100 та ташкилотлар ва 19 та ҳамкор компаниялар томонидан амалга оширилган¹³. 2018 йил бошига нисбатан қараладиган бўлса, Россия федерациясида 968 та давлат хизматларига 1,3 млрд.¹⁴, Қозоғистон Республикасида эса 449 хизматга 34 млн. мурожаатлар¹⁵ амалга оширилган.

Канадада GSRM (The Government of Canada Strategic Reference Model) модели давлат хизматларини нафақат соҳаларга (тиббиёт, таълим), балки фойдаланувчига кўрсатиладиган хизмат йўналиши ҳам турларга ажратилган.

Ўзбекистонда ҳам ҳозирда истемолчиларнинг кундалик ҳаётида пайдо бўлаётган мурожаатлари виртуал қабулхоналар (pm.gov.uz) ёки интерактив давлат хизматлар (my.gov.uz), ахборотга бўлган эҳтиёжлари эса очиқ маълумотлар (data.gov.uz) порталлари орқали қаноатлантирилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси (Discussion)

Бугунги кунда барқарор тараққиётга эришишда ахборот коммуникация технологияларини узлуксиз такомиллаштириб бориш жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган жараён. Маълумотларга қараганда, айни пайтда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотда ахборот коммуникация технологиялари соҳасининг улуши 5,5 фоизни ташкил этади, шубҳасиз бу рақамлар йилдан йилга ошиб боради. Ахборот технологиялари тараққиёти ҳар қандай мамлакатнинг нуфузи ва рақобатдошлик даражасини ошириб, бошқарувни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилган электрон хизматлар ва инсон капитали омилларини инобатга олган ҳолда “кейинги 15 йилдан буён БМТ томонидан Электрон ҳукумат тизимининг ривожланиш индекси юритилиб, рейтингда Буюк Британия, Жанубий Корея, Дания, Норвегия, АҚШ, Канада, Швеция, Австралия, Сингапур ва Нидерландия каби давлатлар етакчилик қилишмоқда”¹⁶. Шу жиҳатдан давлат ҳокимияти органлари томонидан фуқароларга кўрсатиладиган хизматларни самарали ташкил этишда электрон ҳукумат тизими зарур ҳисобланади.

- Хулоса (Conclusion)

¹² nc.gov.ua/menu/publication/doc/electron_urad/report/gossovetWG.pdf

¹³ slideplayer.com/slide/12554945

¹⁴ gosuslugi.ru/faq/1654411

¹⁵ egov.kz/csm/ru/news/v-2017-godu-bolee-34-mln-uslug-okazono-cherez-eGov

¹⁶ <https://publicadministration.un.org> (E-Government Development Index)

Хулоса ўрнида айтганда, республикамиз иқтисодиёти барча тармоқларида ва барча ҳудудида замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг тадбиқ этиш, рақамли саноатни ривожлантириш баробарида интерактив хизматлар кўрсатишни янада такомиллаштириш ва сифатни ошириш асносида ижтимоий – сиёсий, ижтимоий – иқтисодий, тараққиётни ривожлантириш ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясининг устивор мақсадларидан бири бўлиб қолаверади. Хусусан, республикамизнинг демократик ривожланган, тараққий топган давлатлар қаторида тенгма-тенг юришида ҳамда фуқаролар дунёқарашини ўзгартиришда шунингдек, янгича тафаккур қилишга йўл очиб беради.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси / <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
2. Эддоус М., Стенфилд Р. Методы принятия решений. — М.: ЮНИ-ТИ; 1997.-590с.
3. Спицнадель В.Н. Теория и практика принятия оптимальных решений: учеб. пособие / В.Н. Спицнадель. – СПб.: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2002. – 394 с.
4. Ларичев О.И. Теория и методы принятия решений, а также Хроника событий в Волшебных Странах: Учебник. 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Логос, 2002.-392 с.
5. Смирнов Э.А. Управленческие решения: - М.: ИЦ РИОР, 2014. - 362 с.
6. Литвак Б.Г. Экспертные оценки и принятие решений. М.: Патент, 1996. – 271 с.
7. Цыгичко В.Н. Руководителю о принятии решений. - 2-е изд., испр. и доп. - М.: ИНФРА-М, 1996. - 272с
8. Политология: Политическая теория, политические технологии: Учебник для студентов вузов / Соловьев А.И. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: ЗАО Издательство «Аспект Пресс», 2014. — 575 с. ISBN 978-5-7567-0522-5
9. Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 913-ХII-сон Қонуни. 1993 йил 2 сентябрь. / Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда.
10. Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият (ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар). -Т.: “Шарқ”, 1996. 35-бет.
11. Raipa A., Jurksiene L. Innovative Changes in a Global Public Governance Modernization Process. // Socialiniai tyrimai / Social Research. 2013. Nr. 4 (33). 152–161.
12. Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида - <https://lex.uz/acts/3932374>
13. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун - <https://lex.uz/uz/docs/6145972>